



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI

BOG'OT TUMANI HOKIMINING

FARMOYISHI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 30 - yanvar

114 -son

Bog'ot shaharchasi

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарори билан тасдиқланган “Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларини бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарори билан тасдиқланган “Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларига мувофиқ амалий аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни йўқ қилиш бўйича вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида эксперт комиссиялари тузилиши белгиланган.

Шу ҳужжатнинг 5-бандида сайлов яқунлари расман эълон қилинганидан сўнг туман ва шаҳар давлат архивларига топшириладиган ҳужжатлар қайд этиб ўтилган ва 9-бандида сайлов бюллетенлари сайлов яқунлари расман эълон қилинганидан сўнг шаҳар ва туман ҳокимликларига топширилиб, уларнинг идоравий архивларида бир йил давомида сақланиши ва мазкур йўриқномада белгиланган тартибда йўқ қилиниши қайд этиб ўтилган.

2. 2019 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар жараёнида жамланган доимий сақланадиган ҳужжатларни Хоразм вилоят давлат архиви сақловига топшириш ва амалий аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни йўқ қилинишини ташкил этиш юзасидан Богот туман ҳокимлиги ҳузурида тубандаги таркибда ЭК (эксперт комиссияси) тузилсин.

№	Эксперт комиссиясидаги вазифаси	Фамилияси, исми ва отасининг исми		Иш жойи ва лавозими
1	ЭК раиси	С.Қурбонов	-	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари
2	ЭК аъзоси	Ш.Шарипов	-	Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари
3	ЭК аъзоси	З.Атажанов	-	Туман ҳокимлиги бош юрисконсулти
4	ЭК аъзоси	Р.Бобожонов	-	Туман сайлов комиссияси вакили
5	ЭК аъзоси	М.Жаббаров	-	Вилоят сайлов комиссиясидан бириктирилган вакил

3. Эксперт комиссияси (С.Қурбонов)га Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарори билан тасдиқланган “Сайлов ва референдумга тайёргарлик қўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномада белгиланган тартибда Боғот туман ҳокимлигида сақланаётган сайловга оид доимий сақланадиган ҳужжатларни рўйхатини расмийлаштириш, ҳужжатларни Хоразм вилоят давлат архивига топшириш ва сайлов бюллетенларини йўқ қилишни ташкил этиш далолатномаси расмийлаштириш ва натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокимининг
биринчи ўринбосари



С.Қурбонов